

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Кўлёзма хукукида

УДК 339.743 (575.1)

АБДИРИМОВ МУХАММАДЖОН АБДИРИМОВИЧ

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТА АЛМАШУВ КУРСЛАРИНИНГ ТАШКИ САВДО
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИНИ
ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисод фанлари номзоди
иљмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2009

336.5

A - 14

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академиясида бажарилган.

Илмий раҳбар: иктисад фанлари доктори, профессор
Исломов Бахтиёр Анварович

Расмий оппонентлар: иктисад фанлари доктори, профессор
Иминов Одилжон Каримович

иктисад фанлари номзоди,
Додиев Фозилжон Уткурович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Химоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси хузуридаги
иктисад фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар
химояси бўйича Д.005.25.01 ракамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг
2009 йил «11» декабр соат «16» да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, X.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил «10» на卯бр да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

Ф.И. Мирзаев.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизнинг экспорт салохиятини юксалтириш учун янги техника ва юкори технологияларни ишлаб чикариш жараёнига жалб этиш хисобидан ташки савдо муносабатлари баркарор ривожлантиришга эришилади. Айни пайтда миллий валюта курсининг баркарорлигини ва баҳолар масштабига мос келадиган даражасини таъминлаш мамлакатнинг халкаро савдо муносабатларини ривожлаштиришнинг зарурий шарти ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, миллий валюта номинал алмашув курсининг ошиши экспорт килинаётган товарлар баҳосининг ошишига ва уларнинг ракобатбардошлиги пасайишига олиб келади; иккинчидан, номинал алмашув курсининг ўсиши туфайли, импорт тўловлари киймати ортади ва резидентларнинг импорт қилиш имконияти сезиларли даражада пасаяди; уччинчидан, юзага келган жаҳон молиявий-иктисодий инкирози таъсирида республикамиз корхоналари томонидан экспорт килинадиган маҳсулотларга жаҳон баҳосининг пасайиш хавфи кузатиляпти. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: "...жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт киладиган кимматбаҳо ва рангли металлар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормокда"¹, – деб таъкидлайдilar. Экспорт килинадиган товарлар нархининг тушиши мамлакатимизга келадиган валюта маблагларнинг камайишига ва пировард натижада мамлакат ички валюта бозоридаги валюта таклифининг камайишига ва охир-оқибатда миллий валюта курсининг девальвация килинишига олиб келиши мумкин.

Шуниси характерлики, республикамизда валюта курси динамикасининг импорт операцияларига нисбатан салбий таъсири мавжуд. 2002–2008 йилларда миллий валютанинг номинал алмашув курсининг АҚШ долларига ва бошқа етакчи хорижий валюталарга нисбатан пасайтанилиги импорт тўловлари баҳосининг ўсишига олиб келди. Мазкур даврда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан кадрсизланиши 143,6 фойизни ташкил қилди. Ўз навбатида, импорт тўловлари баҳоси ошиши миллий валюта алмашув курсига нисбатан салбий таъсирини юзага келтиргани холда, хорижий нетто активларнинг ички таклифига нисбатан салбий таъсирини ҳосил қилмоқда. Бу эса, жорий валюта бозорининг ликвидлилиги пасайишига олиб келмоқда. Ушбу шароитда сўмнинг номинал ва реал алмашув курслари ўзгаришининг мамлакат экспорт салохиятига таъсирини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳакиқат, жаҳон молиявий-иктисодий инкирози шароитида республикамизда миллий валюта курсининг баркарорлигини таъминлаш ва унинг экспорт-импорт операцияларига нисбатан салбий таъсирига барҳам беришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чикилиши ушбу мавзунинг тадқик қилиш заруритини белгилайди.

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва баркарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий максадимиз. “Халқ сўзи”, -2008 йил 6 декабр.

Ўзбекистон Республикаси миллий валюта курсининг экспорт–импорт операцияларини ривожлантиришдаги ролини ошириш билан боғлик бўлган долзарб муаммолари республикамиз олимлари томонидан алоҳида мустакил илмий тадқикот обьекти сифатида ўрганилмаганлиги танланган тадқикот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммоланинг ўрганилганлик даражаси. Миллий валютанинг алмашув курси баркарорлигини тъминлаша ва унинг ташки савдо муносабатларига тъсирининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иктисадчи олимлар – А.Шварц, Ж.Кейнс, М.Фридмен, И.Фишер, А.Навой, А.Улюкаев, Г.Кассел, Ж.Мид, Ж.Матук, Ж.Флеминг, Л.Катао, Л.Красавина, М.Терронза, М.Пивоварова, М.Ершов, О.Лаврушин, П.Самуэльсон, Р.Манделл, А.Илларионов, Р.Дорнбуш, Р.Маккиннон, С.Фишер, Ф.Махлуп²ларнинг илмий изланишларида тадқик қилинган. Масалан, Л.Красавина, П.Самуэльсонлар томонидан миллий валютанинг номинал алмашув курслари ўзгаришининг экспорт–импорт операциялари ва тўлов балансига тъсири масаласи чукур тадқик қилинган.

Диссертация мавзусининг айрим назарий ва амалий жиҳатлари А.Вахабов, О.Олимжонов, О.Иминов, Н.Хайдаров, Н.Каримов, Ш.Абдуллаева, Т.Расулов, М.Шарифхўжаев, Ш.Ражаббаев, Ж.Кудайбергенов³ларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Н.Х.Жумаев томонидан валюта курси билан боғлик бўлган валюта муносабатларини ривожлантиришнинг услубий асослари тадқик қилинган бўлса, Т.И.Бобакулов илмий ишида сўмнинг баркарорлигини тъминлаш масаласи тахлил қилинган. Б.А.Исламов илмий ишида эса, монтакадаги ташки савдо ва алмашув курслари муаммолари чукур ўрганилган⁴.

² Фридмен М. Если бы деньги заговорили... . Пер. с англ. - Москва: Дело, 1999. -160 с.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег -М.: ГЕЛИОС АРВ 1999. -352 с.; Mundell R.A. The monetary dynamics of international adjustment under fixed and flexible exchange rates // Quarterly Journal of Economics 74 (2). May 1960. - 257 p.; Machlup F. International payments, debts, and gold. - London: George Allen & Unwin, 1966. -50 р.; Кассель Г. Инфляция и валютный курс. -М.:Эльф-пресс, 1995. -23 с.; Международные валютно-кредитные отношения и финансовые отношения. Под ред. Красавина Л.Н. -Москва: Финансы и статистика, 2001, - 184 с.

¹ Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Ташкент: НУРТ, 2003.-278 с.; Абдуллаева Ш.З. Халкар валюта-кредит муносабатлари. -Ташкент "IQTISOD-MOLIYA", 2005.-588 б.; Иминов О.К. Бозор иктисадиёти шароитида кредит тизими ва уни токомиллаштириш масалалари. Икт.фак доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати..-Ташкент, УзРБМА. 2001.-21 б.; Каримов Н.Г. Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойхаларни молиялаштириш амалиятини токомиллаштириш йўллари. Т. Fan va texnologiya, 2007. -160 б.; Жумаев Н.Х., Кудайбергенов Ж.Ш. Валютный курс и пути их регулирования. -Ташкент "IQTISOD-MOLIYA", 2006. -132 б.; Расулов Т.С. Халкар валюта муносабатларини назарияси. -Ташкент "Молия", 2008.-257 б.; Ражаббаев Ш.Р. Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жаҳб этишига тъсири. Ист.фак.номидози илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т. 2008. -20 б.

⁴ Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини токомиллаштириш. Монография. -Ташкент: Fan va texnologiya, 2007.-232 б.; Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг баркарорлиги. Монография. - Ташкент: Fan va texnologiya, 2007.-184 б.; Исламов Б.А. Марказий Осиё мустакил давлатлари: трансформация ва жаҳон иктисадиётiga интеграция жаҳонларининг киёсий тахлили. Икт.фак доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т. 2002. -23-38 б.;

Ууман, миллий валютанинг алмашув курслари ва ташки савдо операциялари ўртасидаги алоқадорлик масаласи республикамиз олимлари томонидан мустакил илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади – сўмнинг алмашув курслари баркарорлигини таъминлаш орқали ташки савдо операцияларини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари сифатида куйидагилар белгилаб олинди:

- миллий валютанинг алмашув курслари ва ташки савдо операциялари ўртасидаги алоқадорликнинг назарий асосларини тадқиқ килиш ва уларнинг амалиётга татбиқ этишга қаратилган илмий хуросаларни шакллантириш;

- миллий валютанинг алмашув курслари ва ташки савдо операциялари ўртасидаги бевосита алоқадорликни таъминлаш борасидаги хориж тажрибасини ўрганиш ва улардан республикамиз амалиётида фойдаланиш юзасидан илмий хуроса ва амалий тавсияларни шакллантириш;

- сўмнинг алмашув курслари динамикаси ва уларнинг ташки савдо операцияларига таъсирини таҳлил килиш ва ривожланиш тенденцияларини аниглаш;

- жаҳон молиявий-иктисодий инқизори даврида миллий валютанинг алмашув курслари ва ташки савдо операциялари ўртасидаги алоқадорлик муаммоларини аниглаш;

- сўмнинг алмашув курслари баркарорлигини таъминлаш йўли билан ташки савдо операцияларини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курс сиёсати ва хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт-импорт операциялари хисобланади.

Тадқиқот предмети – миллий валютанинг алмашув курслари ва ташки савдо операциялари ўртасидаги алоқадорлик жараённида юзага келадиган валюта муносабатларидир.

Тадқиқот методлари: гурӯхлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, иктиносий хисоб-китоблар, индукция ва дедукция, тизимли ёндошув, мантикий изчилик.

Тадқиқот гипотезаси. Тадқиқот ишида сўмнинг алмашув курслари баркарорлигини таъминлаш орқали ташки савдо операцияларини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар гипотезанинг ассоциация усулидан фойдаланган холда ишлаб чиқилди.

Химояга олиб чиқилаётган асосий холатлар:

- 6 ёки 12 ойлик муддатга сўмнинг номинал алмашув курсининг тебраниш ўлакчасини ўрнатиш таклифи асосланди;

- Ўзбекистоннинг етакчи ташки савдо хамкорлари бўлган давлатларнинг миллий валюталарига нисбатан сўмнинг реал алмашув курси кўтарилиб кетишига йўл кўймасликнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;

— нақд пулсиз ҳисоб–китоблардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш йўли билан республикамиз корхоналарининг импорт тўловларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш таклифи ишлаб чиқилди;

—Ўзбекистон корхоналари экспортининг географик диверсификация килиниши даражаси оширилиши асослаб берилди;

— жаҳон молиявий–иктисодий инкирози таъсирида корхоналарнинг экспорт тушумларини камайиш холатида сўмнинг ревальвация килинишига йўл кўймаслик илмий таклифи асосланди;

— Марказий банкнинг кайта молиялаш ва очик бозор операциялари оркали миллый валютадаги пуллар таклифи тартибга солинишини кучайтириш асосида сўмнинг номинал алмашув курси баркарорлигини таъминлаш таклифи ишлаб чиқилди.

Илмий янгиллиги:

—миллый валютанинг алмашув курслари ва ташки савдо операциялари ўргасидаги мутаносиб алоказорлигини таъминлаш борасидаги хориж тажрибаси ўрганилди ва улардан республикамиз амалиётида фойдаланиш юзасидан илмий хулоса ва амалий тавсиялар шакллантирилди;

— сўм номинал алмашув курсининг тебраниш чегараларини белгилашнинг максадга мувофиглиги асослаб берилди;

— мамлакатимиз корхоналари экспортининг диверсификация килиниши даражаси оширилиш йўналиши асослаб берилди;

— сўмнинг номинал алмашув курси баркарорлигини таъминлаш оркали унинг экспорт–импорт операцияларига нисбатан салбий таъсирига барҳам бериш илмий таклифи асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялардан миллый валюта алмашув курсларининг ташки савдо операцияларини ривожлантиришдаги ўрнини чукур тадқиқ этишга бағишлиланган келгусидаги илмий–тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқотда келтирилган илмий асосланган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан курс сиёсатини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишида, диссертация иши материалларидан олий ўкув юргларида “Пул, кредит ва банклар”, “Халқаро валюта-кредит муносабатлари”, “Халқаро валюта операциялари ва халқаро ҳисоб-китоблар” фанлари ўкув дастурларини такомиллаштириша ва ўқитиша кўлланилиши мумкин.

Ишнинг синондан ўтиши. Диссертациянинг илмий таклифлари ва амалий хулосалари «The ways of improving tax system and insurance activity in conditions of economy liberalization» (Tashkent, 2004), «Социально-экономические проблемы переходной экономики» (Санкт-Петербург, 2005), «Проблемы углубления реформ в банковской и финансовой системах Республики Узбекистан» (Ташкент, 2005), «Мустақиллик йилларида

Ўзбекистон Республикаси банк–молия тизимиning ривожланиши» (Тошкент, 2006), «Социально–экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях усиления интеграционных процессов» (Москва, 2006), «Развитие розничного банковского бизнеса» (Ташкент, 2007), мавзуларидаги ҳалкаро ва республика илмий-амалий конференцияларида илмий матъузалар кўрнишида баён қилинган ва маъкулланган.

Натижаларнинг эълон қилинганилиги. Илмий-тадқикот натижалари умумий ҳажми 3,7 босма табоб бўлган 13 та чоп этилган ишларда, шу жумладан, олтига илмий мақола ва еттита тезисда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг умумий ҳажми 130 бетдан иборат бўлиб, ўз ичига 8 та жадвал ва 9 та расмни камраб олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Валюта курси шаклланишининг назарий асосларини ўрганишда XX асрнинг бошида швециялик иктисадчи Г.Кассел томонидан яратилган Харид қобилияти паритети (ХҚП)⁵ концепцияси мухим ўрин тутади. ХҚП назарияси монетар концепцияларнинг ҳозирги шароитларга мослашган янги варианти ҳисобланади. Валюта курсларининг монетар назарияси ХҚП назариясининг ўёки бу шаклини ўз асосига олади.

Валюта курси назариясининг объектини аниклашда иктисадий категория сифатида мустахкам эластик курсни ўрганиш алохиди ўрин тутади. Дж.М.Кейнс назариясининг бошлангич тизими, кичик очик иктисадиёт асосларини ўзида мужассам этган, кенгайтирилган IS-LM модели ҳисобланади⁶. Бу ҳолатдаги мувозанат товар ва пул, ҳамда валюта бозорларида ҳам ҳисобга олинади. Ушбу модельнинг бирламчи вариантлари асосчилари Манделл ва Флеминг ҳисобланишади. Манделл–Флеминг (Ф-М) моделида валюта курсини аниклашнинг энг кенг тарқалган ёндашувларидан бири бўлиб тўлов баланси модели деб хулоса килинади. Унинг моҳияти шундаки, соф тебранишларда валюта курси чет эл валютасига бўлган талаб ва таклиф оқимини мувозанатлаштиради, яъни тўлов баланси қолдиги нолга тенг бўлиши керак, дейилади. Соф сузид юрувчи валюта курсларни ҳолатида жорий счетнинг ортиқчалиги (чет эл валютаси таклифи оқими) капитал счетнинг дефицити билан аниқ компенсацияланиши керак. Валюта курсини Кейнс назариясига кўра, модельлаштириш жорий ва капитал счетнинг ўзгаришлар даражасига асосан аникланади. Кейнс очик иктисадиёт модели доирасида валюта курсини аниклашда, тўлов балансини мувозанатлаштиришга асосланган валюта бозорини тенглаштириш мухим аҳамият касб этади, деб таърифлайди⁷.

⁵ Кассель Г. Инфляция и валютный курс. – Москва, “Эльф пресс”, 1995. -15-20 с.

⁶ Расулов Т.С. Ҳалкаро валюта муносабатлари назарияси. – Тошкент “Молия”, 2008. -59 с.

⁷ Ядгаров Я.С. История экономических учений. – Москва “Экономика”, 1996. – 211с.

Ташки савдо ва валюта курси сиёсати ўртасида якин алокадорлик мавжуд. Ташки савдо чекловлари ва валюта курслари иктиносидий сиёсатнинг мустакил инструментлари бўлишига карамасдан, улар бир-бирларини тўлдиришлари ва ўринларини босишилари мумкин. Бир томондан ҳукумат ташки савдони қўллаб-кувватлаш учун валюта назоратига ҳам мурожаат қилиши мумкин. Масалан, хориж валютасининг маъмурй тақсимланиши кўпинча импортда монополия мавжудлиги ҳолатида кузатилади. Бошқа томондан, савдо чекловлари ва лицензиялаш валюта назорати қўлланилишини юмшатиш учун фойдаланилиши мумкин. Шу билан бир каторда, валюта назорати кўпинча макроиктисодий мақсадларда ишлатилади, хусусан, зарурий валюта захиралари даражасини таъминлаш учун ташки савдо чора-тадбирларининг мақсадида алоҳида тармоқларни қўллаб-кувватлаш, рағбатлантириш хисобланади. Валюта назорати давлатнинг ички солик базасини қанчалик қўллаб-кувватлай олишига боғлиқ равишда бюджет даромадлар даражасига бевосита таъсир этиши мумкин.

1980 йилларда кўргина ривожланаётган мамлакатлар томонидан ташки савдо сиёсатида нисбатан очик иктиносидиётни шакллантириш ва маҳсулот ракобатбардошлигини ошириш, ресурслар тақсимоти ва иктиносидий ўсишнинг янада самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган самарали ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотларда марказий ўринлардан бирини валюта курси сиёсати эгаллади. Шундай қилиб, иктиносидий ислоҳотлар муваффакияти ва мамлакатнинг глобаллашув жараёнида иштирокининг фаоллашувида валюта бозори эркинлаштирилиши мухим ахамият касб этади.


Валюта бозорини эркинлаштириш ташки савдо ислоҳотларига бевосита таъсир кўрсатади: биринчидан, мажбурий валюта назорати бекор қилиниши ресурслар тақсимотини нисбатан самарали бўлишига таъсир қилгани ҳолда, валюта бозорида ва ташки савдо муносабатларига ижобий таъсир кўрсатади. Валюта назорати импорт товарларига нисбатан ички нархларнинг ўсишига олиб келади, киска қилиб айтганда эса, импорт ҳажми истеъмол ва инвестицияларга таъсир кўрсатувчи салбий фактор хисобланади⁸. Иккинчидан, валюта чекловларини олиб ташлаш ликвидли доимий фаолият олиб борувчи самарали валюта бозори ривожланишига таъсир этади ва шу билан бир каторда, ҳалқаро савдо билан боғлиқ трансакцион харажатлар ва ноаникликларни камайтиради. Учинчидан, валюта бозорини эркинлаштириш ўз-ўзидан ташки савдо ислоҳотларининг чукурлашувига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати 2000 йилдан бошлаб, хорижий валюта бозорини эркинлаштириш сиёсатини амалга ошира бошлади. 2000 йил 1 майдан бошлаб, мавжуд турли валюта операцияларини амалга оширишда қўлланилган биржага ва биржадан ташқари алмашув курсларининг бирхиллаштирилиши хорижий валюта бозорини эркинлаштиришда қўйилган биринчи кадам бўлди. Ушбу курсларни бирхиллаштиришга сўмнинг биржа курсини 60% девальвациялаш

⁸ J. Greenwood, K. Kimbrough An Investigation in the Theory of Exchange Controls. Canadian Journal of Economics, 1987,-271-288 pp.

йўли оркали эришилди. Барча операциялар учун Марказий банкнинг ягона курси қўлланила бошланди⁹. 2000 йил 1 июлдан бошлаб эса, хорижий валюта бозори биржа ва биржадан ташкири валюта бозорларига бўлинди. Бундан олдин Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сўмнинг хориж валютасига конвертацияси бўйича операцияларнинг сезиларли қисми биржадан ташкири валюта бозорига ўтказилди¹⁰. Шунингдек, биржада миллий валютанинг алмашув курси сезиларли даражада девальвация килинди ва параллел бозор алмашув курси даражасида ўрнатилди.

2001–2002 йилларда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва инфляция ўртасида тескари алоқадорлик кузатилган, (1-расм). Бу эса, 2001–2002 йилларда сўм алмашув курсларининг унификация килиниши туфайли унинг юкори даражада девальвацияланганлиги ҳамда Марказий банк ва хукуматнинг инфляцияни жиловлашга қаратилган сиёсат олиб боргандиги билан изохланади. Тахлиллар кўрсатишича, қайта молиялаш ставкасининг оширилиши сўмдаги пул массасининг ўсиш суръатини секинлаштиради ва инфляция даражаси пасаяди.



1-расм. Сўмнинг АҚШ долларига нисбатан девальвация даражаси, инфляция ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўртасидаги боғлиқлик динамикаси¹¹

⁹ ЎзРВМнинг 2000 йил 28 апрелдаги 171-сонли “Валюта ва экспорт-импорт операциялари бўйича хисоб ва хисобот тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги карори. “Ўзбекистон Республикаси Хукумати карорлари тўплами”, –Т. 2000 й., № 4, 22-модда.

¹⁰ ЎзРВМнинг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли “Биржадан ташкири валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори. “Ўзбекистон Республикаси Хукумати карорлари тўплами”, –Т. 2000 й., № 6, 33-модда.

¹¹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди

2004–2008 йилларда мамлакатимизда инфляцияни жиловлашга муваффак бўлинди. Бу эса, миллий валютанинг кадрсизланиш даражаси ва Марказий банк кайта молиялаш ставкаси пасайишга олиб келди.

2003 йилнинг 15 октябридан Ўзбекистон ҳудудида жорий халқаро операцияларда Халқаро Валюта фонди келишувининг VIII моддасига асосан расмий тарзда миллий валютани (сўм) конвертация килиш қабул килинди. Сўм, товарлар экспорт–импорти, валютадаги бойликларни олди–сотдиси, хорижга, Ўзбекистонга фоиз, дивиденд ва бошқа банкдаги омонатдан, кредитдан, инвестициядан ва бошқа молиявий операциялардан ўтказмалар, ҳамда носавдо характердаги ўтказмалар (таълим олиш, суғурталаш, ҳадя ва бошқа даромадлар) бўйича хисоб–китобларни олиб бориш учун конвертацияланадиган валюта бўлиб колди. Ушбу чора бир неча алмашув курсларини ўқотишга, жисмоний ва юридик шахсларга нақд бўлмаган маблағлар билан айирбошлиш пунктлари орқали эркин алмашадиган валютани сотиб олиш бўйича чекловларни олиб ташлашга имкон берди.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2002–2008 йилларда экспорт импорт ҳажмига нисбатан жадал суръатларда ўсди. Ушбу холатнинг сабабларидан бири сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсининг мазкур давр мобайнида пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги хисобланади. Сўмнинг номинал алмашув курсининг пасайиши экспорт қилинаётган товарлар баҳосини тушириш имконини берди ва бунинг натижасида мазкур товарлар рақобатбардошлиги ошди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида сўмнинг алмашув курси ва экспорт–импорт операциялари ўртасидаги алоказдорлик¹²


| Кўрсаткичлар | Й И Л Л А Р | | | | | | | 2008 йилда 2002 йилга нисбатан ўзгари- ши, % |
|------------------------------------|-------------|--------|--------|--------|--------|---------|---------|--|
| | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | |
| 1. Экспорт млн. АҚШ доллари. | 2998,8 | 3725,0 | 4853,0 | 5408,8 | 6389,8 | 8991,5 | 11572,9 | 385,9 |
| 2. Импорт, млн. АҚШ доллари | 2712,0 | 2964,2 | 3816,0 | 4091,3 | 4395,9 | 5235,6 | 7504,1 | 276,7 |
| 3. валюта курси, сўм | 970,0 | 980,0 | 1058,0 | 1180,0 | 1240,0 | 1291,23 | 1393,0 | 143,6 |

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмігасининг Йиллик статистик бюллетенлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

Миллий валюта номинал алмашув курсининг кўтарилиши импорт хажмини ошириш нуктаи-назаридан салбий холат хисобланади. Чунки, бундай шароитда импорт тўловларининг миллий валютадаги эквиваленти миқдори ошади. Бу эса, ўз навбатида, импортёрларнинг пул оқимига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инкирози шароитида экспорт товарларимизга жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши, улар нархлари тушиши мамлакатимиз иктисолиётига келадиган валюта маблағлари камайишига олиб келди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари” асарида экспорт килинадиган маҳсулотлар нархлари тушиб кетиши тўгрисида тўхталиб: “... Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади. Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига, охир-окибатда эса макроиктисодий курсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иктисолиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади”¹³, - деб таъкидлаб ўтади.

2-расмдан кўриниб турибдики, мамлакат экспорти хажми йил сайн ортиб бормокда ва бу холат мамлакат ташки савдо операцияларининг кенгайиб бораётганинидан далолат беради. Аммо, ташки савдо операциялари таркибида хомашёлар улуши салмоқли бўлиши экспортдан тушадиган тушумнинг бекарор тебраниши билан характерланади. Чунки, хом ашё товарлари нархи кескин тебранишларга мойил бўлади.



2-расм¹⁴. Экспорт хажми динамикаси (млн. АҚШ долл. хисобида).

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз экспорт таркиби биринчидан, анча диверсификация қилинган, иккинчидан, хомашёлар улуши йилдан-йилга камайиб бормокда.

¹³ Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари”, –Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009. -Б.12.


¹⁴ Ушбу диаграмма муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитасининг йиллик ахборотномалари маълумотлари асосида тузилди.

2– жадвал

Жами экспорт динамикаси¹⁵

| Кўрсаткичлар | 2003й. | 2004й. | 2005й. | 2006й. | 2007й. | 2008й. |
|--|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
| Жами экспорт, млн. АҚШ долл. | 3725 | 4853 | 5409 | 6390 | 8991 | 11573 |
| шу жумладан, %да: | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Пахта толаси | 19,8 | 18,1 | 19,1 | 17,2 | 12,5 | 9,2 |
| Озик-овқат маҳсулотлари | 2,7 | 3,8 | 3,8 | 7,9 | 8,5 | 4,4 |
| Кимё, пластмасса ва улар-дан ясалган буюмлар | 3,1 | 4,7 | 5,3 | 5,6 | 6,8 | 5,6 |
| Рангли ва кора металл | 6,4 | 8,6 | 9,2 | 12,9 | 11,5 | 7,0 |
| Машина ва ускуналар | 5,9 | 7,4 | 8,4 | 10,1 | 10,4 | 7,5 |
| Энергия манбалари | 9,8 | 12,4 | 11,5 | 13,1 | 20,2 | 25,2 |
| Хизматлар | 14,4 | 11,8 | 12,2 | 12,1 | 10,7 | 10,4 |
| Бошқалар | 37,9 | 33,2 | 30,5 | 21,1 | 19,4 | 30,7 |

Жаҳон молиявий–иктисодий инқирози мамлакат экспортидан келадиган валюта тушумлари камайишига олиб келади. Шу ўринда шартли “А” рангли ва кора металл ишлаб чиқарувчи, ҳамда “Б”¹⁶ пахта толасидан калава ишлаб чиқарувчи корхоналар экспорт тушумлари динамикасини келтирган ҳолда мамлакатимиз экспортёр корхоналарининг экспортдан оладиган валюта тушумлари пасайиб бораётганини баҳолаймиз.



3-расм. “А” ва “Б” корхоналар экспорт динамикаси¹⁷.

¹⁵ Ушбу жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг йиллик ахборотномалари маълумотлари асосида тайёрланди.

¹⁶ Корхоналар молиявий фаолияти тижорат сирги бўлганилиги боис, ушбу корхоналарни шартли равишда “А” ва “Б” деб белгилаб олдик. Аммо, барча хисоб-китоблар аник ракамлар асосида тадқиқотчи томонидан хисобланган. Бунда 2007 йил 2-чорак маълумотларни база даври деб олинганд.

¹⁷ Муаллиф томонидан банк хисоб ракамлари айланмалари асосида тайёрланди.

З-расм маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики, кайд этилган корхоналарнинг экспорт тушумлари миқдори охирги тўрт чорак давомида узвий пасайиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу ҳолат ўз навбатида, мамлакат миллий валютаси девальвация қилинишига замин яратади.

Бундай ҳолатда мамлакат Марказий банки миллий валюта алмашув курсини белгиланган параметрларда ушлаб туриши учун мавжуд олтин валюта захираларидан бир кисмини ишлатишга мажбур бўлади. Чунки, жаҳон бозорларида нархларнинг пасайиши туфайли, экспортдан келадиган валюта тушуми камаяди ва ички валюта бозоридаги таклиф ҳам кискара боради.

Тадқикот ишида сўмнинг алмашув курсини баркарорлаштириш ва унинг халкаро савдо муносабатларини ривожлантиришдаги ролини ошириш билан боғлик бўлган қуйидаги муаммолар аникланди:

- миллий валютанинг номинал алмашув курси баркарорлигини таъминлаш муаммоси;
- сўмнинг етакчи хорижий валюталарга нисбатан реал алмашув курсининг ошиш тенденцияси юзага келганлиги;
- сўмнинг баркарорлигини таъминлаш тадбирлари самарадорлигига салбий таъсир қилувчи омиллар мавжудлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг МДХга аъзо мамлакатлар билан экспорт-импорт операциялари ривожланиш даражасининг паст эканлиги, (З-жадвал);
- республикамиз корхоналари экспорт салоҳиятига салбий таъсир килаётган молиявий омилларнинг мавжудлиги.

З-жадвал

Мустақил Давлатлар Хамдустлигига аъзо алоҳида мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикаси экспортидаги салмоғи¹⁸

% (фоизда)

| Давлатлар / йиллар | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 |
|-------------------------|------|------|------|------|------|------|
| Россия Федерацияси | 12,3 | 12,3 | 14,9 | 19,0 | 26,0 | 28,4 |
| Қозогистон Республикаси | 2,7 | 2,7 | 3,8 | 4,6 | 4,8 | 8,4 |
| Тоҷикистон Республикаси | 3,3 | 3,3 | 3,0 | 2,5 | 2,6 | 1,5 |

ХУЛОСА

Диссертацион ишини бажариш жараёнида миллий валютанинг баркарорлигини таъминлаш ва унинг халкаро савдо муносабатларини ривожлантириш борасидаги ролини оширишга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Миллий валюта – сўмнинг номинал алмашув курси динамикасининг экспорт-импорт операцияларига нисбатан юзага келаётган салбий таъсирига

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг бўллутенлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

бархам бериш учун қиска муддатли даврий ораликларга, яъни 6 ёки 12 ойлик муддатга сўмнинг номинал алмашув курсининг тебраниш йўлакчасини ўрнатиш лозим.

2. Сўмнинг етакчи хорижий валюталарга нисбатан реал алмашув курсининг ошиш тенденцияси юзага келини натижасида корхоналарнинг экспорт салоҳиятига нисбатан юзага келадиган салбий таъсирига бархам бериш максадида Ўзбекистоннинг етакчи ташки савдо ҳамкорлари бўлган давлатларнинг миллий валюталарига, улар билан хисоб-китобларда кўлланилаётган етакчи валюталарга нисбатан сўмнинг реал алмашув курсининг кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик лозим.

3. Етарли микдорда олтин-валюта захираларини шакллантиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

4. Жаҳон молиявий-иктисодий инцирози туфайли, экспортёrlар экспорт тушумининг камайиши натижасида уларнинг молиявий холатига нисбатан юзага келадиган салбий таъсирини юмшатиш максадида сўмнинг номинал алмашув курси ошишига йўл қўймаслик лозим.

5. Республикамиз корхоналарининг экспорт-импорт тўловларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш максадида нуфузли хорижий банкларнинг аккредитив телеграммасини олиш билан, аккредитив суммаси келиб тушишини кутмасдан, товарларни экспортга жўнатиш тартибини жорий қилиш лозим.

6. Корхоналар экспортининг географик диверсификациялаш даражасини ошириш лозим. Масалан, айрим мамлакатларнинг ички бозорида Ўзбекистондан экспорт қилинаётган маҳсулотларга бўлган талабнинг ўзгариши шу мамлакатнинг ички бозорига экспорт қилинаётган маҳсулотлар хажмининг кискаришига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, фикримизча, МДХга аъзо бўлган мамлакатлар хисобидан экспортимизнинг географик диверсификация қилиниш даражасини ошириш лозим.

7. Марказий банкнинг қайта молиялаш ва очик бозор сиёсатидан фаол фойдаланиш йўли билан миллий валютадаги пуллар таклифини тартибга солиш зарур.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Jumayev N.; Burkhanov U.; Abdirimov M. Specific features of Uzbekistan at the introduction of the national currency into circulation. // The ways of improving tax system and insurance activity in conditions of economy liberalization. The materials of international scientific - practical conference. – Tashkent, 2004. –P. 386-390.

2. Abdirimov M.; Jumayeva S. Creation of the national monetary system. // The ways of improving tax system and insurance activity in conditions of economy liberalization. The materials of international scientific - practical conference. – Tashkent, 2004. –P. 393-395.

3. Абдиримов М. Формирование и развитие валютного рынка в условиях переходной экономики Республики Узбекистан. // Тезисы и доклады

международной научно–практической конференции на тему: “Социально–экономические проблемы переходной экономики” (опыт, обобщения, закономерности). – Санкт–Петербург, 2005. –С. 278–280.

4. Abdirimov M. The necessity of the foreign exchange market for economic growth. // Материалы международной научно–практической конференции на тему: “Проблемы углубления реформ в банковской и финансовой системах Республики Узбекистан”. – Ташкент, 2005. –С. 323–325.

5. Абдиримов М. Валюта тизимини шакллантиришда Япония тажрибаси// Иктисадиёт ва таълим. –Ташкент, 2005. –№3. – Б. 118–122.

6. Абдиримов М. Миллий валюта конвертацияси ва унинг валюта бозорини ривожлантиришдаги роли. // Мустакиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк–молия тизимининг ривожланиши мавзусидаги Халқаро илмий - амалий конференция материаллари. – Ташкент, 2006.– Б. 418-419.

7. Abdirimov M. The exchange market and currency convertibility. // “Социально–экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях усиления интеграционных процессов”. Тезисы и доклады международной научно–практической конференции. – Москва, 2006. –С. 172–174.

8. Абдиримов М. Сўмнинг алмашув курсини барқарорлаштириш // Жамият ва бошқарув. –Ташкент, 2007. –№2.– Б.70-71.

9. Абдиримов М. Миллий валюта алмашув курси динамикасининг халқаро савдо муносабатларини ривожлантиришдаги ролини ошириш йўллари // Материалы международной научно–практической конференции на тему: “Развитие розничного банковского бизнеса”. –Ташкент, 2007.–Б. 288-289.

10. Абдиримов М. Валюта курси шаклланишининг назарий асослари // Биржа ЭКСПЕРТ. –Ташкент, 2008. –№7,8. –Б. 9-12.

11. Абдиримов М. Миллий валюта курси динамикаси ва ташки савдо сиёсати алоқадорлиги // Иктисадиёт ва таълим. –Ташкент, 2008. –№3. –Б.141-143.

12. Абдиримов М. Жаҳон молиявий инқирози ва унинг миллий валюта курсига таъсири // Биржа ЭКСПЕРТ. –Ташкент, 2009. – №4. – Б. 21-24.

13. Абдиримов М. Актуальные вопросы повышения роли обменных курсов национальной валюты в развитие внешноторговых операций // Экономика и финансы. – Москва, 2009. –№6. –С. 30-32.

**Иктисол фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Абдириров
Мухаммаджон Абдирировичнинг 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва
кредит” иктиносиги буйича “Миллий валюта алмашув курсларининг
ташки савдо операцияларини ривожлантиришдаги ролини ошириш
йўналишлари” мавзусидаги диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: валюта курси, номинал алмашув курси, реал алмашув курси, девальвация, ревальвация, экспорт, импорт, дефицит, диверсификация, кайта молиялаш ставкаси, мажбурий захира ставкаси, пул таклифи, пулларга бўлган талаб, инфляция, монетизация, пул массаси, бож тўлови.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курс сиёсати ва хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт-импорт операциялари.

Ишнинг мақсади: сўмнинг алмашув курслари барқарорлигини тъминлаш орқали ташки савдо операцияларини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: гурухлаш, қиёсий ва таркибий тахлил, иктисолий хисоб-китоблар, индукция ва дедукция, тизимли ёндошув, мантикий изчилик.

Олингандаги натижалар ва уларнинг янгилиги: б ёки 12 ойлик муддатга сўмнинг номинал алмашув курсининг тебраниш йўлакчасини ўрнатиш таклифи асосланди; Ўзбекистоннинг етакчи ташки савдо хамкорлари бўлган давлатлар миллий валюталарига нисбатан сўмнинг реал алмашув курси кўтарилиб кетишига йўл қўймасликнинг зарурлиги асослаб берилди; республикамиз корхоналари экспортининг географик диверсификация даражасини оширишнинг лозимлиги асосланди; Марказий банкининг кайта молиялаш ва очик бозор операциялари орқали миллий валютадаги пуллар таклифини тартибга солиши асосида сўмнинг номинал алмашув курси барқарорлигини тъминлаш таклифи асослаб берилди.

Амалий аҳамияти: ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курс сиёсатини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиша фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иктисолий самараадорлиги: муаллифнинг илмий таклифи ва амалий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалиётида кўллаш учун кабул килинган. Диссертация материалларидан олий ўкув юртларида “Пул, кредит ва банклар”, “Халқаро валюта-кредит муносабатлари”, “Халқаро валюта операциялари ва халқаро хисоб-китоблар” фанларини ўқитишида фойдаланилмоқда.

Кўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, олий ўкув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Абдиримова Мухаммаджона Абдиримовича на тему: «Направлении повышения роли обменных курсов национальной валюты в развитие внешнеторговых операций» на соискание учёной степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»

Ключевые слова: валютный курс, номинальный обменный курс, реальный обменный курс, девальвация, ревальвация, экспорт, импорт, дефицит, диверсификация, ставка рефинансирования, ставка обязательных резервов, предложение денег, спрос на деньги, инфляция, монетизация, денежная масса, таможенная пошлина.

Объекты исследования: курсовая политика Центрального банка Республики Узбекистан и экспортно-импортные операции хозяйствующих субъектов.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на развитие внешнеторговых операций путем обеспечения стабильности обменных курсов сумы.

Методы исследования: группировка, сравнительный и структурный анализ, экономические расчеты, индукция и дедукция, системный подход, логическая последовательность.

Полученные результаты и их новизна: обоснованы предложения об установлении коридора колебаний номинального обменного курса сумы на 6 или 12 месяцев; аргументирована необходимость недопущения повышения реального обменного курса сумы по отношению к национальным валютам стран – ведущих торговых партнеров Узбекистана; обоснована необходимость повышения уровня географической диверсификации экспорта предприятий республики; обоснованы предложения об обеспечении стабильности номинального обменного курса сумы на основе регулирования предложения денег в национальной валюте через операции рефинансирования и открытого рынка Центрального банка.

Практическая значимость: разработанные автором научные предложения и практические рекомендации могут быть использованы при разработке мер по совершенствованию курсовой политики Центрального банка Республики Узбекистан.

Степень внедрения и экономическая эффективность: предложения и рекомендации автора приняты для внедрения в деятельность Центрального банка Республики Узбекистан. Материалы диссертации используются в высших учебных заведениях при преподавании учебных курсов «Деньги, кредит и банки», «Международные валютно-кредитные отношения», «Международные валютные операции и международные расчеты».

Область применения: Центральный банк Республики Узбекистан, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Abdirimov Mukhammadjon Abdirimovich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economics, speciality 08.00.07 – “Finance, money circulation and credit” subject: “Directions of improving the role of exchange rates of the national currency in developing foreign trade operations”.

Key words: exchange rate, nominal exchange rate, real exchange rate, devaluation, revaluation, export, import, deficit, diversification, refinancing rate, mandatory reserve rate, money supply, money demand, inflation, monetization, money base, customs fee.

Subjects of research: exchange rate policy of the Central bank of the Republic of Uzbekistan and export – import operations of entities.

Purpose of work: to develop scientific recommendations and practical suggestions on developing foreign trade operations by maintaining the stability of exchange rates of the Sum.

Methods of research: classification, comparative and structural analysis, economic analysis, induction and deduction, systematical approach, logical evaluation.

The results obtained and their novelty: proved the proposal of settling volatility corridor of nominal exchange rate of the Sum for 6 or 12 months; proved the necessity not to allow an increase in real exchange rate of the Sum relative to national currencies of key foreign trade partner countries of Uzbekistan; proved the necessity of increasing degree of geographic diversification of entities of the republic; proved the recommendation of maintaining stability of nominal exchange rate of the Sum through refinancing and open market operations of the Central bank.

Practical value: scientific recommendations and practical proposals may be used in producing measures on developing exchange rate policy of the Central bank of the Republic of Uzbekistan.

Degree of embed and economic effectivity: the author's recommendations and proposals have been accepted for using in the activity of the Central bank of the Republic of Uzbekistan, materials of the research are being used in the process of teaching courses, such as “Money, credit and banking”, “International monetary – credit operations”, “International currency operations and settlements” in Higher education institutes.

Field of application: the Central bank of the Republic of Uzbekistan, higher education institutes.

Таджикотчи:


| | |
|-------------------------------|-----------------|
| Босишига рухсат этилди | 30.09.09 |
| Көғоз бичими | 30x42 |
| Хисоб-нашр табоги | 1,25 б.т |
| Алади | 100 |
| Буюртма | № 135 |

**Тошкент Молия институти босмахонасида ризография
усулида чой этилди. 100084, Тошкент Амир Темур шоҳ кўчаси 60^й-ий**